Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 43 (21. 162) 1992 йил 29 февраль, шанба ●

Баҳоси 60 тийин.

ЕВРОПАГА ЙЎЛ

И. А. КАРИМОВнинг Хельсинкига ташрифи якунларига доир

Аввал маълум қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Финляндия ҳукуматининг таклифига биноан 25 февраль куни Хельсинки шаҳрига борди.

Финляндия пойтахти тайёрагоҳида Президентни Финляндия ташқи ишлар вазири Пааво Вяюрюнен кутиб олди. Тайёрагоҳда Президент Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Раҳмон Набиев иштирокида қисқача матбуот конференцияси бўлди. Президент Ислом Каримов журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон Республикасининг демократия ва инсон ҳуқуқлари принципларига содиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Шу куни кечқурун Финляндия савдо ва саноат вазири Кауко Юхаантало Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи актини имзолаш учун Хельсинкига келган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлиб кирган беш мамлакат — Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина давлат бошлиқлари шарафига қабул маросими уюштирди.

26 февраль куни эрталаб Президент Ислом Каримов Финляндия Президенти Мауно Койвисто билан учрашди. Президентлар Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида бўлажак сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик режаларини муҳокама қилдилар ҳамда суҳбат натижаларидан мамнун эканликларини баён этдилар. Президентларнинг ўзаро мулоқоти қанчалик самарали бўлганини тасаввур этиш учун муҳим бир тафсилотни келтириш кифоя: суҳбат охирида ҳар иккала Президент гувоҳлигида Ўзбекистон Республикаси билан Финлядия Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида битим имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси номидан ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини Фотиҳ Тешабоев ва Финляндия томонидан — ташқи ишлар вазири Пааво Вяюрюнен имзо чекдилар.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Ўзбекистон ҳукумат делегацияси қисқа муддатли сафарнинг бирор дақиқасини ҳам бой бермади. Ислом Каримов Президент саройидан чиқиб, яна бир муҳим тадбирга — Финляндия марказий саноат уюшмасига шошилди. Уюшманинг фармойишчи директори жаноб Иоханнес Корома ва Финляндиянинг бошқа ишбилармон кишилари билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Президент Каримов Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий қудрати катта эканини айтди. Финляндия ишбилармонлари билан жуда кўп соҳаларда ўзаро фойдали ва ғоят кенг миқёсда алоқалар ўрнатишимиз мумкин, деб алоҳида таъкидлади Президент. Финляндия ишбилармонлари вакиллари собиқ СССР ўрнида ташкил топган мустақил давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси билан бўлажак иқтисодий алоқалар жуда муҳим эканини эътироф этдилар. Собиқ Совет Иттифоқи билан бўлган иқтисодий алоқалар узилиб қолгани Финляндия савдо ва саноат аҳли учун катта қийинчиликларни юзага келтирди. Ана шу иттифоққа кирган, аммо бугунги кунда ўз тақдирларини ўзлари белгилаётган мустақил давлатларнинг очиқ ва ошкора сиёсат тутаётгани, айниқса уларнинг ўзаро манфаатли муносабатларга майл билдираётгани Финляндия ишбилармон доираларида катта умид уйғотмоқда. Расмий суҳбатлар ва дўстона фикр алмашувлар чоғида шу нарса аён бўлдики, Финляндиянинг енгил саноати Ўзбекистон хом ашёсидан кенг фойдаланиши мумкин ва бу борада шартномалар тузиш учун катта имконият мавжуд.

26 февраль куни чошгоҳда Финляндия бош вазири Эско Ахо Хельсинкига етиб келган олий мартабали меҳмонлар шарафига нонушта берди.

Асосий воқеа тушдан кейин бошланди. Президент Каримов тушган машина кейинги 15 йилдан кўпроқ вақт мобайнида шуҳрати оламга кетган «Финляндия» саройи томон йўл олди. Маълумки, 1975 йилнинг 1 августида бу масканда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи акти имзоланган ва шу тариқа мамлакатлар ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ҳамкорликка хизмат этадиган янги бир олижаноб сиёсий ҳаракат юзага келган эди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг ўнлаб давлат байроқлари қаторига яна беш давлат — Беларусь, Молдова, Тожикистон, Ўзбекистон ва Украина байроқлари қўшилди. Тантанали маросим чоғида давлат бошлиқлари, вазирлар, элчилар, нуфузли жамоат арбоблари, юзлаб мухбирлар ҳозир бўлдилар.

Маросим аввалида Финляндия Президенти Мауно Койвисто олий мартабали меҳмонларни қизғин табриклади. (Унинг нутқи рўзноманинг кечаги сонида эълон қилинди).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якунловчи актига ватанимиз номидан имзо чекди. Кейин у «Финляндия» саройининг минбарига чиқди. Президентимизнинг нутқи қарсаклар билан кутиб олинди. Бу маросим шу куниёқ Финляндиянинг телевизион каналларида ва жаҳоннинг таниқли телекорпорациялари кўрсатувларида намойиш қилинди.

Сиёсий шарҳловчилар Осиё қитъасида жойлашган мустақил Ўзбекистон Республикасининг Европа Ҳавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиб кирганида катта рамз борлигини таъкидладилар ва Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий ҳаритасида нуфузи ўсаётганини эътироф этдилар. Ўзбекистон Президентининг нутқида таъкидланган тинчлик, аҳиллик, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларига кафолат бериш принципларига алоҳида аҳамият берилди.

Тантанали маросимдан кейин бўлган суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов бугун Ўзбекистон учун тарихий кун бўлди, деди ва Хельсинки кенгашига аъзо бўлиб киришни Ўзбекистон халқининг истиқболи йўлида қўйилган муҳим қадам деб баҳолади. Суҳбат асосида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Финляндия Президенти Мауно Койвистога ҳам мурожаат этди ва ундан Финляндия—Ўзбекистон келажак алоқаларига муносабатини сўради. Президент Койвисто Ўзбекистон билан бўлажак мулоқотларга катта умид ва ишонч билан қараётганини изҳор этди. Собиқ СССРнинг тарқалиб кетганлиги сабабли биз ўзимизнинг иқтисодий ва тижорат борасида олиб бораётган сиёсатимиз асосларини тубдан қайта кўриб чиқамиз, деб таъкидлади. Ўзбекистон ва Финляндия ўртасида барча соҳаларда яхши ва самарали муносабатлар ўрнатиш учун тўла асослар бор.

Тантанали маросим тугагач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Финляндия парламентида бўлди. Парламент спикери Илкка Суоминен олий мартабали меҳмонга парламентнинг тарихи ва тажрибаси ҳақида сўзлаб берди. Президент Ислом Каримов Финляндия парламенти мажлислар залини кўздан кечирди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида у Ўзбекистон парламенти билан Финляндия парламенти ўртасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадга мувофиқ бўлишини айтди.

Шундан кейин парламент биносида Хельсинки Якунловчи актига имзо чеккан беш янги давлат раҳбарларининг матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов журналистларнинг МДҲ тақдири ҳақидаги саволига жавоб берар экан, МДҲнинг умри унга аъзо бўлиб кирган давлатларнинг нечоғли масъулият ва ҳалоллик билан сиёсат юритишларига боғлиқ деб таъкидлади. Агар ҳамма давлатлар барча соҳаларда ўзаро тенглик принципларига амал қилишса, ҳамкорликнинг умри узоқ бўлиши мумкин. Президентимиз Ўзбекистоннинг Туркия йўлига мойил эканини яна бир марта таъкидлаб айтдики, бу мамлакатларнинг шарт-шароитлари ўзаро жуда ўхшаш. Очиқ бозор муносабатларига ўтиш Туркиянинг жуда қисқа муддат ичида оёққа туриб олишига ёрдам берди. Ўзбекистонни мавжуд танглик ҳолатидан тезроқ чиқиб олишида биз қардошларимизнинг тажрибасига таяниб иш кўрамиз, деди Президент Каримов.

Мухбирларнинг қўшни мусулмон мамлакатлари билан бўлажак алоқаларга доир саволларига жавоб берар экан, Ислом Каримов Эрон, Покистон ва шу минтақадаги бошқа мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар катта самара беришига ишонч билдирди. Айни вақтда у Ўзбекистон ҳамма билан ҳам ўзаро тенг ва очиқ сиёсат олиб боради, биз нафақат қўшни мамлакатлар билан, балки дунёдаги бошқа барча мамлакатлар билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, деб айтди.

Президент Ислом Каримов бошчилик қилган Ўзбекистон делегацияси 27 февраль куни эрта тонгда Тошкентга қайтиб келди.

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.

Хельсинки — Тошкент.

Болалар—жамиятнинг бебаҳо бойлиги

Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш муаммолари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатининг мавзуи бўлди. Унда БМТ болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ мутахассислари гуруҳи, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ҳукуматларининг вакиллари, вазирликлар ва идоралар-нинг раҳбарлари, олимлар қатнашдилар.

БМТ болалар жамғармасининг мутахассислари минтақанинг бир қанча районларида бўлиб, бешала республика олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳолисона манзарасини кўрдилар. Улар учрашув қатнашчиларига болаларнинг турмуш даражасини яхшилаш, экология, соғлиқни сақлаш, таълим муаммоларини ҳал этиш хусусидаги ўз тавсияларини айтиб бердилар. Сафар давомида тўпланган материаллар БМТ кўриб чиқиши учун тақдим этилади, сўнгра донор мамлакатлар ва йирик халқаро ташкилотлар бу маълумотлар билан танишадилар. Шу маълумотлар асосида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига ёрдам беришнинг муфассал режаси ишлаб чиқилади.

— Бозорга йўналтирилган иқтисодга ўтиш давлатларингиз учун осон бўлмайди, — деди учрашувда ЮНИСЕФ ижрочи директорининг ўринбосари Ричард Жоли. — Бундай иқтисодга ўтиш, аввало, аҳолининг кам таъминланган табақаларига, болаларга, аёллар ва кексаларга таъсир қилувчи оқибатларга олиб келади. Мамлакатларингиз аҳолининг ана шу тоифаларига катта ёрдам бераётгани халқаро даражада эътироф этилган. Аммо биз жаҳон ҳамжамияти ёрдамисиз сизнинг бу ишни уддалай олишингиз қийин эканини тушундик. Сизлардаги соғлиқни сақлаш, экология, таълим тизимининг энг оғриқли нуқталари ошкоралик билан кўрсатилганлиги учун миннатдорчилик билдирамиз.

ЮНИСЕФ мутахассислари гуруҳи Семипалатинскдаги ядро синовлари оқибатлари билан, Оролбўйида дахлдор жуда кескин масалалар билан, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш муаммолари билан танишдилар. Биз халқаро ташкилотларни Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларига энг кўп ёрдам беришга қизиқтириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз. Одамийлик ёрдамини шу ернинг ўзида энг оқилона ва самарали тақсимлаш таъминланади, деб умид қиламан.

Учрашув қатнашчилари Ўрта Осиё минтақасида истиқомат қилувчи халқлар тарихи ва маданиятининг муштараклиги кўпгина масалаларни биргаликда ҳал қилишга мажбур этади, деб таъкидладилар. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари номидан БМТ Бош котиби номига, манфаатдор халқаро ташкилотларга ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида ёрдам беришни ва инсоннинг энг биринчи эҳтиёжларини қондириш соҳасида ёрдам беришни истаётган мамлакатларнинг ҳукуматларига мурожаатнома қабул қилинди. Мурожаатномада бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин даврида қисқа муддатли фавқулодда ёрдам кўрсатиш жаҳон ҳамжамиятидан илтимос қилинган. Шу билан бирга минтақа соғлиқни сақлаш соҳасида доимий ёрдамга ҳам муҳтож. Бу ишда ҳаётий муҳим тиббий дори-дармонлар етказиб беришга, шунингдек, овқатланиш муаммосини, сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва оқар сувларни тозалаш муаммоларини ҳал этишда кўмаклашишга асосий эътибор бериш зарур. Мурожаатномада яқин вақт ичида ЮНИСЕФ мутахассислари тўплаган материалларга асосланган миллий дастурлар қабул қилиниши таъкидланган. Халқаро ёрдамни тақсимлашни мувофиқлаштириш учун беш давлат ҳукуматларининг ва БМТ манфаатдор ташкилотларининг вакилларидан махсус гуруҳ тузишга қарор қилинди.

Беш республика соғлиқни сақлаш вазирлари ҳамкорлик тўғрисидаги Тошкент Мурожаатномасини имзоладилар.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов иштирок этдилар.

(ЎзА мухбири).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ШАРТНОМАЛАР ВА САВДО ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК УЮШМАСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мулкчилик шаклидан қатъи назар республика корхоналари ва ташкилотларини моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги бозор муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш, давлат эҳтиёжлари ҳамда ўзаро маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни адо этиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни етказиб бериш топшириқларини бажариш, шунингдек бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий заҳиралар билан таъминлашни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида ўзаро манфаатли бевосита хўжалик алоқаларини ўрнатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитети, унга қарашли бирлашмалар ва ҳудудий бошқармалар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт комитетининг моддий заҳиралар мажмуи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда сотиш бош бошқармасининг айрим бўлинмалари ва улар ходимларининг сони ҳисобига Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмаси ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмасига қарашли республика ва вилоят моддий-техника таъминоти бўлинмаларини шартномалар ҳамда тижорат-воситачилик хизматлари республика ихтисослаштирилган ва ҳудудий акционерлик фирмаларига айлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур уюшма республика тижорат-воситачилик хўжалик уюшмаси бўлиб, давлат, жамоа, акционерлик, ижара, кооператив, хусусий ва бошқа корхоналарни, якка тартибда маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркорларни моддий-техника таъминоти соҳасида пайчилик асосларида ихтиёрий равишда бирлаштиради ва ўз фаолиятини тўла хўжалик ҳисоби қоидаларига мувофиқ амалга оширади.

2. Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмаси зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида ўзаро манфаатли бевосита хўжалик алоқаларини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш юзасидан тижорат-воситачилик ва ишлаб чиқариш хизматларини амалга ошириш, хом ашё ва материаллар етказиб бериш бўйича ватанимиздаги ва чет эллардаги товар ишлаб чиқарувчилар билан шартномалар тузиш, моддий заҳиралар ва товарларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар барча истеъмолчиларнинг эркин харид қилиши ва сотишини ташкил қилиш;

моддий-техника таъминоти соҳасида бозор тармоқлари мажмуини ривожлантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, савдо-воситачилик фирмалари, тижорат марказлари, улгуржи ва воситачи дўконлар тармоғини, товар хом ашё биржалари ва брокерлик идораларини, лизинг компанияларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

республика истеъмолчиларини моддий-техника заҳиралари билан таъминлашни ва биржа битимлари бўйича маҳсулот етказиб беришни ташкил қилиш масалаларида республика биржалари, шунингдек бошқа давлатларнинг биржалари билан қалин ҳамкорликни таъминлаш;

моддий-техника заҳираларига бўлган эҳтиёжларни ўрганиш, энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш нисбатларини Ўзбекистон тараққиёт истиқболларини белгилаш комитети билан биргаликда ишлаб чиқиш, давлат эҳтиёжлари учун уларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш топшириқларини аниқлаш ҳамда жойлаштириш, ҳамдўстлик давлатлари билан ҳукуматлараро савдо-иқтисодий битимларнинг лойиҳаларини тузишга доир ишларни ташкил қилиш, ўзаро маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

(Давоми иккинчи бетда).

Республика Президенти ҳузурида қабул

Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 28 февраль куни Ўрта Осиё ва Қозоғистон Мустақил давлатлари соғлиқни сақлаш вазирларини қабул қилди. Улар оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишланган Тошкент учрашувида қатнашяптилар.

Бизда соғлиқни сақлаш, экология соҳаларида умумий вазифалар кўп, деди учрашувда И. А. Каримов. Орол ва Оролбўйи фожиаси бизларни бир-биримизга боғлади. Ҳозир, Иттифоқ парчаланиб кетгач, биз тўпланиб қолган муаммоларни куч-ғайратларимизни, маблағларимизни бирлаштирибгина ҳал этишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Орол ва Оролбўйи муаммолари минтақа республикалари Президентларининг учрашувида соғлиқни сақлаш вазирлари, олимлар иштирокида муҳокама қилиниши керак, деган фикрни билдирди.

И. А. Каримов табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш муҳим сиёсий вазифа бўлиб, бундай муаммолар минтақада жуда кўп эканлигини алоҳида таъкидлади. Агар бу муаммолар ўз вақтида ҳал қилинмаса, улар ижтимоий кескинликка сабаб бўлиши мумкин.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЯНГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлашни яхшилаш, шунингдек республиканинг барча минтақаларини улар билан яна ҳам тўлиқроқ ва бир текисда таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 15 мартидан қуйидаги янги олий ўқув юртлари очилсин:

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА

Нукус давлат дорилфунуни қишлоқ хўжалик соҳаси факультетларининг негизида Тошкент давлат деҳқончилик дорилфунунинг Нукус бўлими.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА

Андижон давлат педагогика институти негизида Андижон давлат дорилфунуни.

Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунуни Андижон бўлимининг негизида Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти.

Андижон пахтачилик институти негизида Андижон қишлоқ хўжалик институти.

БУХОРО ВИЛОЯТИДА

Ф. Ҳўжаев номли Бухоро давлат педагогика институти негизида Бухоро давлат дорилфунуни.

Тошкент давлат техника дорилфунунининг Бухоро бўлими. Шу мақсадда Бухоро қурилиш техникуми биноларидаи ва иншоотларининг бир қисмидан фойдаланилсин.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИДА

Тошкент меъморчилик-қурилиш институти Жиззах бўлими ва Тошкент химия-технология институтининг Жиззах шаҳридаги умумтехника факультети негизида Жиззах политехника институти.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА

Ҳ. Олимжон номли Қарши давлат педагогика институти негизида Қарши давлат дорилфунуни.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши бўлимининг негизида Қарши деҳқончилик-иқтисодиёт институти.

Тошкент давлат техника дорилфунуни умумтехника факультетининг негизида мазкур дорилфунуннинг Қарши бўлими.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг бўлими негизида Навоий давлат педагогика институти.

Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати технология институти бўлимининг моддий-техникавий негизида кон-металлургия ва энергетика йўналишидаги Навоий саноат институти.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА

Ниёзий номли Наманган давлат педагогика институти негизида Наманган давлат дорилфунуни.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган бўлимининг негизида Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА

Ғ. Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институти негизида Гулистон давлат дорилфунуни.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА

Ойбек номли Термиз давлат педагогика институти негизида Термиз давлат дорилфунуни.

Тошкент автомобиль-йўл институтининг умумтехника факультети негизида мазкур институтнинг Термиз бўлими.

Тошкент электротехника алоқа институтининг факультети негизида мазкур институтнинг Термиз бўлими.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА

Фарғона политехника институтининг умумтехника факультетининг негизида мазкур институтнинг Қўқон бўлими.

Тошкент давлат техника дорилфунунининг ўқув-илмий маркази негизида мазкур дорилфунуннинг асбобсозлик йўналишидаги Фарғона бўлими.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА

В. И. Ленин номли Урганч давлат педагогика институти негизида Урганч давлат дорилфунуни.

Тугатиладиган Урганч педагогика билим юртининг моддий-техника негизидан фойдаланган ҳолда Тошкент давлат иқтисодиёт дорилфунунининг Урганч бўлими.

Тугатиладиган Урганч ўрта тиббий ходимлар малакасини ошириш тиббиёт билим юртининг моддий-техника негизидан фойдаланган ҳолда 1-Тошкент давлат тиббиёт институтининг Урганч бўлими.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА

2. 1992 йилнинг 15 мартидан А. Навоий номли Самарқанд давлат дорилфунунини С. Айний номли тугатилаётган Самарқанд педагогика институти билан бирлаштириш тўғрисида Самарқанд вилояти ҳокимининг таклифи қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармойиш рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирларни кўзда тутувчи тегишли қарорни 10 кун муддат ичида тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1992 йил 28 февраль.

• Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

ДАСТЛАБКИ САБОҚЛАР

МУАЛЛИФНИ ТАНИШТИРАМИЗ: Абдуназар Эрдонович Тўрақулов 1942 йилда туғилган. Миллати—ўзбек. Касби—гидротехник-муҳандис. 18 йил давомида халқ хўжалигида, 12 йил партия ишида турли лавозимларда ишлаган. Денов шаҳар, Олтинсой район партия қўмиталарида биринчи котиб, вилоят партия қўмитасида котиб бўлиб ишлади. ХДП вилоят кенгашининг таъсис конференциясида (1991 йил, ноябрь) шу кенгашнинг биринчи котиблигига сайланди.

Халқимизда, кемага тушганнинг жони бир, деган мақол бор. Шу мақол кейинги пайтларида тез-тез хаёлимда айланадиган бўлиб қолди. Ахир кечагина бутун дунё икки лагерга ажралиб олиб, сен зўрми, мен зўр, деб бир-бирига киприк қоқмай ёвқараш қилиб турганини ҳеч қайсимиз ёдимиздан чиқарганимиз йўқ. Ақл-идрок устун келиб, бир кемада сузиб кетаётганимизни англаб қолдигу, қирғин қуролларининг чақмоқларини зарарсизлантиришга киришдик. Замоннинг зайли эканки, сиёсий гурунглар йўриғида «душман лагерь» деган ибора тилга олинмайдиган бўлиб қолди. Шунинг шарофати бўлиб дунё кемаси ором ўзанидан суза бошлагандай бўлди. Яна замоннинг зайли эканки, СССР деб аталмиш мамлакат таркибидаги республикалар ҳар қайсиси мустақил тарзда ўз кемасини бошқариб сузишни ихтиёр қилди. Ва олдин мустақил сузиб кўрмаган кемаларнинг дастлабки машқларида бир қадар уқувсизлик, тайёргарликнинг олдиндан бўлмагани сезилиб қолмоқда. Нотекис тўлқинлар узра тоҳ тўғри, тоҳ эгри бўлиб кетаётган кемадаги одамларни айтинг: турли хил партияларга, гуруҳларга бўлиниб кетишди. Ошкоралик бўлса — ошкораликда, деган гапни рўкач қилиб, ҳар қандай тўғри-нотўғри, эҳтиросли мунозараларнинг башарасини «демократия» деган ёрлиқ билан ниқоблаш ҳолатлари ҳам кузатилди ва кузатилмоқда.

Замирида маҳаллийчилик, оғайнигарчилик, мансабпарастлик ҳатто шахсий манфаат яширинган тортишувлар, таклифлар кўпайиб қолди. Бу нарсалар ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни холис, адолатли баҳолашга халақит берадиган бўлиб қолди. Нарх-наво сиёсатидаги куракда турмайдиган мувозанатсизлик буларнинг ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Харидорнинг ҳақига хиёнат, молларни яшириб сотиш ва бошқа жойларга ташиб кетиш, умуман тақчилликни сунъий равишда вужудга келтириш каби ҳаракатлар одамларда ниҳоятда ноҳуш кайфиятларни уйғотди.

Партиямиз ана шундай мураккаб бир вазиятда ўз фаолиятини бошлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси айтиш мумкинки, туб моҳияти билан янги партиядир. Тўғри, таъсис қурултойида Халқ демократик партияси Ўзбекистон Компартиясининг мулкий ва қисман ғоявий вориси эканлиги айтиб ўтилди. Ҳатто партиянинг фақат номи ўзгарди, холос, деган таъна гаплар айтилаётгани ҳам бежиз эмас. Лекин Компартиянинг эртага коммунизм қурсак, сут ариқлардаги сув мисол оқиб туради, деганга ўхшаш лоф ғояларидан халқ бир марта алданганини унутмаслигимиз керак. Маънавий алданиш халқнинг кўнглидан кетмайди. Дастуримиздан маълумки, биз ҳавойи ваъдалар билан ҳеч кимни ўзимизга қаратиб олмоқчи эмасмиз. Бугунги асосий вазифамиз Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг III пленумида таъкидланганидек, шиддат билан ўзгариб бораётган шароитда кишиларга «тўғри йўл топишга кўмаклашиш»дир. Кенг маънодаги мустақилликни, ошкоралик, осойишталикни таъминлашга ёрдам беришдир.

Лекин тўғрисини айтиш керак, Марказий Кенгашнинг III пленуми якунлари ҳақида вилоят партия кенгаши пленумига тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш жараёнида юқорида эслатилган вазифаларни бажаришнинг ўзи бўлмаслигини яна бир карра ҳис этдим. Маълумки, Компартиянинг ҳуқуқлари ва бурчлари конституциявий асосда белгилаб қўйилган эди (собиқ Компартиянинг асосий хаталаридан бири ана шу ҳуқуқларни ва бурчларни суиистеъмол қилишда деб биламан).

Мен шаҳар ва сўнгра район миқёсида партия котиби бўлиб ишлаган пайтларимда ишлаб чиқаришга аралашишни яхши кўрардим. Эътибор қилинг-а, кўрсатма беришни эмас, балки аралашишни яхши кўрардим, деяпман. Бир мисол: ҳузуримга ферма мудири кирди. Бултур ҳар юз бош қўйдан 140 тадан қўзи олганмиз. Озгина рағбат бўлса, бу йил ундан ҳам оширамиз, деди. Рози бўлдим-у, аммо суриштириб кўрсам унинг сурувидаги совлиқлар барча қўйларнинг атиги чорак фойизини ташкил қиларкан. Мен, ҳар юзта қўйдан юзтадан қўзи олишни, фақат совлиқларни жами подага нисбатан 55—60 фойизга етказишни маслаҳат бердим. Шундай ҳам қилишди. Шу йўл билан қўзи олишни олдинги йилдагидан икки бараварга кўпайтиришди. Ёки ўша райондаги бazи бригадалар узум ҳосилдорлигини 350 центнерга етказганида, сут етиштиришни эса 3—4 баравар кўпайтирганларида партия органининг ҳам ҳиссаси борлигини ҳеч ким инкор қилолмайди.

Энди бўлса мезонлар, талаблар, қарашлар, муносабатлар бошқачароқ. Масалан, ўтган йили вилоятда пилла, асалдан бошқа барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш миқдори нега камайиб кетди, деб суриштиргудай бўлсангиз айрим масъул раҳбарларга ёқмайди. Ўтган йилнинг охирида халқ ноиблари вилоят Кенгашининг сессияси режалаштириш масалаларини кўриб чиқди. Режа тузиш мобайнида кўпгина раҳбарлар иложи борича ўз юкларини камайтириб олишга, режаларни енгилроқ қилиб қабул қилишга уринишди ва бунга қисман эришишди ҳам. Партиямизнинг эса режалаштиришга муносабати шундай: ердан, сувдан, барча имкониятлардан энг кўп самара олишга эришмоқ керак. Режани бир ҳамла билан бажариб бўлмаслигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Режани бажариш деган иш — нисбий гап. Рапортлар эмас, энди бизга дастурхонни тўлдирадиган, қоринни тўйдирадиган озиқ-овқат ва бошқа нарсалар керак. Режанинг қули бўлиб юрган пайтларимизда рапорт бердик деб далада қолган ярим ҳосилни йиғиштириб олмай увол қилган ёки йўқ ҳосилдан режа яратаман, деб пахтанинг ўрнига ғўзапояни янчиб келтирган жамоаларни кўп кўрганмиз, ахир. Аҳоли ўсаяпти, талаб ортаяпти, тақчиллик тинкани қуритяпти. Демак шундай экан маҳсулотни кўпайтирмоқ, ишлаб чиқаришни оқилона режалаштирмоқ, кенгайтирмоқ керак. Маҳаллий ва енгил саноатни оёққа турғизмоқ зарур.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича вилоятимиз ҳозир энг кейинги ўринларда турибди. Ҳатто косибчилик, халқ ҳунармандчилиги турлари одамларнинг хотиридан чиқиб кетган. Бир «ҳай баракалла» билан вилоятимизнинг жуда кўп қишлоқларида тегирмонлар, обжувозлар қурилди. Бу — яхши. Лекин Шўрчидаги пойабзал фабрикасининг ишга тушганини мустасно қилмаса, саноат корхоналарини бунёд этиш бўйича аксарият гаплар ҳамон ширин ҳаёллигича қолиб кетяпти.

Партиямиз аъзолари ҳозир 25 минг кишидан ошиб қолди. Деярли барча бўғинлардаги раҳбарлар ХДП сафига ўтганлар. Партия ўз Низомининг олтинчи бандига мувофиқ қишлоқ, шаҳар ва вилоят Кенгашларида ўз аъзоларининг партия гуруҳини тузишни кўзда тутган. Шунингдек, депутатлар гуруҳи ишлари жонлантирилаяпти. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биз одамларга тўғри йўл топишга кўмаклашишни асосий вазифа қилиб қўйган эканмиз, жамиятда моддий бойликларни яратишдек муҳим ишдан ўзимизни четда олиб туролмаймиз.

Тўғри, партия бизнинг ишимизга аралашмасин, деган тўқмоқ гапларни ўзига олиб, елкаси қисилиб юрган котибларимиз, аъзоларимиз ҳам топилиб қолади. Ҳатто, шундай ҳам бўладики, партия раҳбар ходимларидан бири бир дўкондорга «нега давлатнинг корхонасида ишлаб чиқарилган молга ўзингча устма нарх қўйиб сотяпсиз» деганда, дўкондор, партия савдога аралашмасин, деб айтишгача бориб етган вақт ҳам бўлди. Кўрдингизми юлғичлар, ўз манфаатини устувор қўювчилар вазиятнинг беқарорлашиб туришидан қандай фойдаланишади. Партия оқни-оқ, қорани-қора демаса, лоқайд, эътиборсиз бўлса, ўзини, адолатни ҳимоя қилолмаса, унинг кимга ҳам кераги бор, деган гап ўз-ўзидан келиб чиқмайдими. Партия халқнинг ғами билан яшайди ва ижтимоий ҳаётни назорат қилиб боради.

Ана шундай биров эътироф этиб, биров эътибор бермай турган шароитда кимдир биздан қабул қилаётган қарорларимизнинг ижросини суриштириб қолди. Тўғриси, фалон қарорни қабул қилдигу, унинг ижроси юзасидан назоратни кучайтирямиз, деб мақтанишга ҳали эрта деб ўйлайман. Лекин халқ учун хизмат қилиш йўлида чекинадиган авзойимиз йўқ. Ҳозир вилоятдаги рўзномаларга ҳаммуассислик қиляпмиз. Демак, воқеа-ҳодисаларга матбуот минбаридан туриб муносабат билдириб борамиз. Энг муҳими, бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш керак, деб ўйлаймиз. Бошланғич ташкилотларнинг маҳалла қўмиталари билан ҳамкорлиги сув билан ҳаводек зарурдир. Ижтимоий масалаларда, таъминотда арра тўғри тортилмас экан, ҳотиржамлик ҳам бўлмайди. Шу жиҳатдан Ангор, Гагарин, Ленин йўли, Узун районлари ва Денов шаҳар партия ташкилотлари котибларининг, партия аъзоларининг маҳалла қўмиталари билан қилаётган ишларини маъқуллаш жоиздир. Бунинг устига чамаси, бошланғич ташкилот котибларини моддий, ҳеч бўлмаганда маънавий рағбатлантириб туриш чораларини кўрмоғимиз керак. Фаолият юргизишнинг кабинет системасидан, бошланғич ташкилотлардан нуқул ҳужжатларни юргизишни суриштириш тажрибасидан, қоғозга қул бўлиб қолиш услубидан воз кечиб, одамларга ҳамнафас бўлиш, бошланғич ташкилот котибларидан бири айтгандек, ҳар хил маъмурий ва расмий истиҳолаларга бориб ўтирмасдан эл ташвишига енг шимариб киришиш шу кундаги ишларимизнинг мазмуни бўлсин, дейман.

Ҳозирги молиявий аҳволимиз мақтагудек эмас. Лекин нафақат ғоявий жиҳатдан, балки моддий жиҳатдан ҳам бизни қўллаб-қувватлаётганлар кўпайиб бораётганини қаноат билан таъкидлаймиз. Айни пайтда фақат аъзолик бадалига кўз тикиб қолмасдан, бюджетни бошқа йўллар билан, масалан, ижарага олинган ерлардан яхши фойдаланиш билан бойитиб бормоқчимиз. Ишлаб чиқариш кооперативларини тузиш, фермер хўжаликларини барпо этиш ҳам асосий масаладир.

Тан олиш керакки, партиянинг мулкини ҳисоб-китоб қилиш, ижарага бериш ва бошқа молиявий масалаларга бошда бироз ўралашиб қолгандай бўлдик. Биз ижтимоий ҳаётда лоқайд кузатувчи эмасмиз. Ўтган гапларни ковлаштираверш фазилатга ўтмайди. Компартиядан нима хатолар ўтганини собиқ партия котиби сифатида бирмунча биламан ва баҳоли қудрат баҳо бера оламан. Ўша хатоларни такрорламасликни биринчи котиб сифатида ҳар бир партия ходимидан, ҳар бир партия аъзосидан талаб қилишни бурчим деб биламан.

Яна «кемага тушганнинг жони бир» деган мақолни эслайман. Бу кеманинг бошқарувчисимиз, деган даъвони мутлақо инкор қилган ҳолда шундай деб айтишни истардим: шахснинг ҳуқуқлари — дахлсиз, ҳоҳиш-иродаси — ўзиники, истеъдоди, қобилияти, меҳнаги меваларидан кўпчилик баҳраманд бўлиши керак. Истеъдодни, қобилиятни фақат ўзининг тегирмонини айлантиришга сарф қилиш — худбинликдир. Бугунги сиёсий, иқтисодий буҳронлар кимларнидир «ўстиради», кимларнидир «синдиради». Лекин инсоф, имон, одамгарчилик қонунлари вақти келиб ҳаммадан ҳисоб сўрайди. Эшкагини имкони борича яхшилик томон, эзгулик томон эшганлар эса табиийки, авлодлар кўзига ёруғ юз билан қарайдилар.

А. ТЎРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби.

Фермер хўжаликлари аҳолига гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб беришда муносиб ўрин тутмоқда. Бу аёл Жиззах вилоятининг Пахтакор районидаги «Оқбулоқ» тажриба хўжалигида меҳнат қилади. 1990 йилда Жалолиддин Салимов давлатдан 25 минг сўм қарз олиб, фермер хўжалиги ташкил этган эди. Ҳозир бу ерда боқилаётган қорамоллар сони 40 тага етди.

СУРАТДА: фермер хўжалигининг жонкуярларидан бири, моҳир сут соғувчи Насиба Салимова.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• Корхоналар мустақиллигининг илк тажрибалари

ИШЛАГАНГА ЮҚОРИ МАОШ

Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш маромининг бузилиб, инқирозга юз тутилаётган бир шароитда «Андижонирмаш» заводида самарадорлик ортиб, моддий манфаатдорлик яхшиланмоқда. 1991 йил якунларига кўра, корхона ишчи ва хизматчиларига олинган фойда ҳисобидан 13-, 14-, ҳаттоки 15-маош ҳам берилди.

Корхонада ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш суръати 1990 йилдагига нисбатан гидроцилиндрлар бўйича 132,5 фоизга, халқ истеъмоли товарлари 115 фоизга, фильтрлар бўйича 163,4 фоизига етди. Бу ўсишни завод директори Қудратбек Парпиев шундай изоҳлади:

— Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг эски усули дарз кетди. Биз эса янги усулни шакллантира бошладик. Яъни олдинги цехлар, участкалар ўрнида мустақил кичик корхоналар ташкил этдик. Натижада ишга бўлган муносабат кескин ўзгарди. Биз учун оғир келган ўтган январь ойида ҳам меҳнат унумдорлиги пасаймади. Маҳсулот етказиб бериш шартномалари тўла бажарилди.

Директорнинг таърифига шундай қўшимча қилиш мумкин. Бугунги кунда заводнинг асосий ишлаб чиқаришида 10 та, ёрдамчи иш участкаларида эса 6 та мустақил кичик корхоналар тузилган бўлиб, банкда бу корхоналарнинг алоҳида жорий ҳисоби очилган. Кичик корхоналар хом ашёни ўзлари топадилар. Қарҳларни мустақил белгилайдилар. Олинган фойдани ҳам уларнинг ўзлари тақсимлайдилар. Кичик корхоналарнинг иш юритиш услуби шартномалар асосига қурилган. Яъни кичик корхоналар билан завод бошқаруви ўртасида икки томонлама шартнома тузилган. Қайси томон шартномани бажармаса, моддий жиҳатдан зарар кўраверади.

Аслида моддий манфаатдорлик ишга бўлган муносабатни белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Олдинлари заводда огоҳлантириш, жиддий огоҳлантиришлар ҳеч кимни чўчитмай қўйди, деб шикоят қилинарди. Энди эса ҳеч кимни огоҳлантириш шарт эмас. Кичик корхонада барчанинг қандай ишлаётгани кўпчиликка беш панжадек равшан. Бунинг устига яхши ишлаган кишини ўз вақтида тақдирлаш мумкин. Ким ишга панд берса, ўзининг чўнтагига зарар етишини жуда яхши тушуниб қолишди. Энг муҳими, заводда ташаббускорлик йўқолди.

Келинг, бундай иш юритишнинг натижасига назар солайлик. Очиғини айтганда, илғари цехларнинг, участкаларнинг бошлиқларига нисбатан ҳам талаб кучли эди. Лекин қуруқ, таъсирсиз талабчанликнинг ўзи ҳеч қачон иқтисодий мустақиллик берганчалик самара бера олмаслиги, ойнадек равшан бўлиб қолди. Лоақал, ўша цех бошлиғи ҳатто ҳар кунига керак бўлиб турадиган оддий супурги сотиб олишни ҳам мустақил ҳал қила олмас эди. Барча масалада завод директорига мурожаат қилиш лозим эди. Директор шўринг қурғур эса бошқа масалалар қаторида супурги сотиб олиш тўғрисида ҳам бош қотиришга мажбур эди.

АНДИЖОН ИРРИГАЦИЯ МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

Ҳозирги вақтда молиявий масалалардан тортиб, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, металл сарфини камайтириш, янги дастгоҳлар сотиб олишгача бўлган ишлар кичик корхоналарнинг ўзида ҳал этилмоқда. Бу ишларга масъул кишилар ҳам шартнома асосида ишлайдилар. Яъни ҳар бир ишчидан тортиб, кичик корхонанинг директоригача шартнома шартини бажаришга мажбур. Ҳаттоки директор шартномадаги бандлардан биронтасини бажара олмаса, маошидан чегириб қолинади. Табиийки, ҳеч ким моддий жиҳатдан жазоланишни истамайди.

Масалан, усталарни олиб кўрайлик. Илгарилари усталар, қанчалик мақталмади. Уларни ишлаб чиқаришнинг ташкилотчилари, тарбиячилари дейилди. Амалда эса улар энг кам моаош олиб, охири кўплари дастгоҳларда ишлашга ўтиб кетишди. Эндиликда усталар ўз вазифасининг қадрига етадиган бўлиб боришмоқда. Сабаби: улар ишлаб чиқаришда тозаликни, саранжом-саришталикни ҳам таъминлашлари керак. Агар шунга эришсалар, шартнома шартига кўра ҳар ойда 300 сўм қўшимча ҳақ оладилар. Ишлаб чиқаришда шикастланишга йўл қўйилмаса яна 200 сўм қўшимча берилади. Бундай имтиёзлар анчагина. Айни пайтда масъулиятсизлик қилса, жарима тўлаши ҳам аниқ. Хуллас, у доимо ҳаракатда, изланишда бўлсагина яхши иш ҳақига эга бўлади. Агар уч ой давомида энг кам иш ҳақи олса, усталикка нолойиқ, деб топилади.

Илгари заводнинг бошқариш аппаратида 200 киши ишларди. Лекин мутахассисларнинг фойдали иш коэффициенти жуда паст эди. Номига кун ўтказиб, маош оладиганлар талайгина эди. Ҳозир бошқариш аппаратида атиги 35 киши қолди, холос. Конструкторлик, технология, асбобсозлик, тажриба-синов бўлимлари бирлаштирилиб, ягона кичик корхона тузилди. Натижада олдингидек юқоридан берилган топшириқ асосида бўладиган турли-туман самарасиз изланишлардан воз кечилди. Чунки, самарасиз ишлар учун энди ҳеч ҳақ тўланмайди. Кичик корхона эса ҳар кунги буюртмалар асосида иш юритмоқда. Олдингидек кун ўтказиб маош олаётганлар шартномани бажараолмай ўз-ўзидан ишдан бўшаб кетишди.

Аксинча, изланиб ишлаётган кишиларга ўзини кўрсатиш учун қулай имконият юзага келди.

Таъминот масаласи — бугунги кунда ҳар бир корхона жамоаси олдида турган ўткир муаммоларнинг бири. Бу ерда кичик корхоналар ташкил этилгач, таъминот ҳам изга тушди. Чунки таъминотчилар шартномада белгиланган шартларнинг бажарилишини таъминлаган тақдирдагина моддий жиҳатдан манфаатдор бўладилар. Шу боисдан улар олдингидек, баҳона кўрсатишдан ҳеч қандай наф кўришмайди. Аввалари таъминотчиларни командировкага жўнатиш учун илтимос қилишга тўғри келарди. Ҳозир эса таъминотчилар истиқболни кўзлаб ишлайдиган бўлишган.

Заводда кичик корхоналар ташкил этилиши билан ноишлаб чиқариш соҳаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар бўлмоқда. Айтайлик, илгари юқорининг топшириғи билан заводда ёрдамчи хўжалик ташкил этилган эди. Лекин ундан зарар кўрилиб келинди. Ҳозир ўша ёрдамчи хўжалик ҳам алоҳида кичик корхонага айлантирилди. Бу кичик корхона чорвачилик билан шуғулланиб, завод жамоасини гўшт билан таъминлаяпти. Асло зарар кўраётгани йўқ.

Корхонада ўртача ойлик иш ҳақи 1400 сўмга етди. Малакали ишчилар эса 3 минг сўмдан ошириб ойлик иш ҳақи олишмоқда. Яхши ишлаган, албатта, яхши маош олиши керак. Давр талаби ана шундай.

К. НИШОНОВ.
Андижон вилояти.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ЁШЛАР ИСТАГИ

ХДП Пайариқ район ташкилоти сафи ишчан, обрўли ёшлар ҳисобига ўсмоқда. Бугунги кунда партия аъзоларининг сони 1.700 кишидан ошиб кетди, 38 жойда эса бошланғич партия ташкилотлари тузилди.

Отақул Умаров номли жамоа хўжалиги аъзоси Илҳом Сиддиқов бошқа тенгдошлари қатори бошланғич партия ташкилотига ариза берди. Синовдан ўтгач партия сафига қабул қилинди. Йиғилишда Илҳом ўзига берилган саволларга дадил, бурро, маъноли жавоб қайтариб, барчанинг ҳурматини қозонди.

Т. Хўжақулов, С. Рустамова сингари оловқалб ёшлар ҳам ХДПга аъзо бўлиб кирдилар.

«ХАЛҚПАРВАР» ИШГА ТУШДИ

— Бозор иқтисодиёти ҳар бир жамоат ташкилоти олдига ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш талабини қўяётир, — дейди Пайариқ район партия кенгаши биринчи котиби Фармон Хўжанафасов. — Бунинг ҳеч қандай оғринадиган жойи йўқ. Зеро, ишбилармонлик, тадбиркорлик ҳар қандай маҳкамачилик, қоғозбозликка барҳам бериш воситасидир.

Район партия кенгаши қошида «Халқпарвар» кичик корхонаси ташкил этилди. Қисқа вақт ичида бу ерга хориждан пахта ва жунни титиб берадиган, тўқийдиган ускуналар келтирилди. Тўпланган озроқ толани алмаштириш ҳисобига бошқа шаҳарлардан мато ва бошқа хом ашёлар ҳам олинди. Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси очган цехда эса ҳозир тақчил бўлиб қолган пайпоқлар тўқиб чиқарилади.

«Халқпарвар»нинг фаолиятини янада кенгайтириш чоралари кўрилаётир.

МЕҲР КЎЗДА ЭКАН...

Жумҳурият ўқув юртларида таҳсил кўраётган пайариқлик ёшлар билан район партия кенгаши ўртасидаги алоқа тобора мустаҳкамланмоқда. Тошкентдаги талабалар шаҳарчасида бўлиб ўтган воқеадан сўнг 1.670 нафар студентнинг ҳар бири билан мулоқот ўтказилди.

Яқинда Наримонов қўрғонидан бошқа жойларга бориб ўқиётган ёшларга дастурхон тузалди. 280 нафар ёшга 100 сўмдан ёрдам пули улашилди. Йиғилишда «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Э. Аҳмедов шу жамоа хўжалигидан қишлоқ хўжалик ўқув юртларида таълим олаётган аълочи ёшларга ҳар ойда 100 сўмдан стипендия берилажагини айтди.

Дарвоқе, йигит-қизлар бундай мулоқотлар фойдали эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Энди ҳар ойда бир маротаба улар ўз қадрдон ноҳиялари раҳбарлари билан учрашиб туришга келишиб олдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Муштарий фикри •

ҚИЗИҚИБ ЎҚИЙМАН, ЛЕКИН...

Кўп йиллардан буён марказий, маҳаллий рўзномаларнинг фаол муштарийсиман. Кейинги пайтларда матбуот саҳифалари қизиқарли мақолалар билан шу қадар бойиб кетдики, уларни бирма-бир ўқиб чиқмасликнинг иложи йўқ. Рўзномаларнинг навбатдаги сонини интиқиб кутиш одат бўлиб қолди.

Жумҳуриятимиз ҳаётининг бош кўзгуси бўлган «Ўзбекистон овози» учун ҳам ана шу гапларим таллуқли. Ошкораликка анча кўникиб қолган бўлсак-да, рўзнома ўз муштарийларини қуршаб олган муҳит, уларнинг ҳаёти тўғрисида ҳамиша қандайдир қизиқарли янгиликларни айтишга муваффақ бўлаётир. Жамоатчи мухбир сифатида шунга аминманки, севимли рўзномамизнинг бу қадар ранг-баранг ва ўқишли бўлиб чиқаётганида жойлардаги мухбирларнинг ҳам хизмат ва ҳиссалари катта, албатта. Назаримда унинг фаол жамоатчи мухбирлари тобора ортиб боряпти, янги-янги муаллифларни рўзнома саҳифаларида тез-тез учратяпман. Улар кўпинча атрофимиздаги камчилик ва нуқсонларга муросасиз, куюнчак кишилар бўлиб чиқишяпти. Шундай куюнчаклик ва умумманфаатини кўзлаб ёзилган мақолаларни ҳамиша зўр қизиқиш билан ўқийман.

Ўзим ҳам мана шундай мақолалар ёзгим келади. Лекин... Афсуски мана шу «лекин» сўзини айтишга мажбурман... Лекин бу танқидий чиқишларнинг натижаси ҳар доим ҳам муштарийлар кутганидек бўлмаяпти. Танқидий мақолаларга мутасадди ташкилотлар кўпинча кечикиб жавоб беришади, баъзан эса жавоб беришдан ўзларини олиб қочмоқчи ҳам бўлишаяпти. Аксарият ҳолларда эса жавоблар умумий гаплардан иборат бўлиб қолмоқда. Бу ҳол севимли рўзномамизнинг танқидий чиқиши таъсирини сусайтиришга сабаб бўлаётир.

Таклифим шундан иборатки, танқид қилган одам албатта бу борадаги ўз мулоҳазасини айтиш билан бирга вужудга келган вазиятдан чиқиш чораларини ҳам мумкин қадар кўрсатиб ўтсин. Бундан кейин танқидий чиқишлар тақдири билан махсус шуғулланиш керакмикан? Акс ҳолда кўплаб ўринли танқидлар, жўяли таклифлар амалга ошмай натижасиз қолавериши рўзнома учун ҳам, муаллиф учун ҳам оғир кечади.

Шавкат ХОЖИЕВ,
Қашқадарё вилояти, Қамаши районидаги Фрунзе номли давлат хўжалиги.

• ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МАРМАР ШИРКАТИ ИШ БОШЛАДИ

Навбаҳор районидаги қурилиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасида мармар ширкати иш бошлади.

Ушбу ширкат жамоаси мармар тошлардан турли хил ёдгорлик лавҳалари, безакли ва нақшинкор плиталар, деворбоп ҳамда устунбоп тош ёпиштиргичлар тайёрламоқда.

Ширкат учун хом ашёни Нурота мармар кони ишчилари шартнома асосида етказиб беришяпти. Узаро ҳамкорлик икки томонга ҳам самара келтирмоқда. Мармартарошлар ҳозиргача аҳолига бир миллион сўмлик хизмат кўрсатишди. Йил охиригача бу кўрсаткични 5,5 миллион сўмга етказишга аҳд қилинган.

М. ШАРОПОВ.

ТЕЛЕФОН СИМИДАН МЕВАДОН

Биз ишдан чиққан алоқа симларини жуда кўп кўрганмиз. Улар одатда ҳандакларда, йўлларнинг четида қолиб кетади ёки кераксиз буюм сифатида ахлатга ташлаб юборилади.

Бўз районининг «Озод» жамоа хўжалигида яшовчи Одилжон Солижонов ана шундай симлардан жуда чиройли мевадон тўқимоқда. У бундай ҳунарни армия хизматида бўлган вақтида ўрганган. Ҳозир тадбиркор йигит ўзи тўқиган вазаларнинг ҳар бирини ўртача 50-60 сўмдан сотмоқда.

Н. КОМИЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ғоят тақчил маҳсулот турлари ва товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт маҳсулотлари етказиб беришни янада ривожлантириш, давлат эҳтиёжлари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш учун чет эллардан моддий-техника заҳиралари ҳамда товарларни қўшимча равишда харид қилиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

иккиламчи заҳираларни тайёрлаш ва қайта ишлашни ташкил қилиш, саноат чиқитларидан фойдаланиш, маҳсулотлар жойланиб, ўраладиган идишлар тайёрлаш ва сотиш.

3. Шу нарса белгилаб қўйилсинки,

Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмаси ўзининг ҳуқуқ доирасида қабул қиладиган қарорлар қайси идорага бўйсунишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча хўжалик субъектлари учун мажбуриийдир;

истеъмолчилар билан тузилган шартномаларга мувофиқ моддий-техника заҳиралари етказиб бериш тўғрисидаги буюртмаларнинг ижроси учун, шунингдек ҳукуматлараро савдо-иқтисодий битимларга мувофиқ келаётган маҳсулотлар ўз вақтида аниқ белгиланган миқдорда тақсимланиши учун Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмаси жавобгар бўлади.

4. Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмасига ҳукуматлараро битимларнинг бажарилиш доирасига қараб ана шу битимлар бўйича республика корхоналарининг ғоят муҳим маҳсулот турлари ва товарлар етказиб беришини тартибга солиб туриш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида Ўзбекистон шартномалар ва савдо давлат акционерлик уюшмасининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, унинг низомини тасдиқласин.

6. «Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат комитетини Ўзбекистон ССР Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитетига айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон ССР Президентининг 1991 йил мартдаги 148-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 февраль.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

2 – 8 МАРТ

2, душанба

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Шахсий хўжаликлар истиқболи». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 Чолғу куйларидан концерт. 19.55 «Лўли». 20.15 «Билиб қўйган яхши». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Хотира». 22.05 «Тугатишга киришилсин». Бадиий фильм, 1-серия.

● ЎзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 «Саломатлик хизматида» 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Шунчаки саргузашт». 20.40 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.55 «Магистраль». Бадиий фильм. 22.25 «Лаҳза».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.15 «Китобхона». 10.05 «Ол қўлим... ёки жавоб зарбаси». Бадиий фильм. 11.30 «Яна бир табассум».
12.00 Янгиликлар.
13.20 «Бу бўлган, бўлганди...» 13.40 «Телемикст». 14.25 Концерт.
15.00 Янгиликлар. 15.20 Концерт. 17.45 Мультфильм.
18.00 Янгиликлар. 18.20 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафони. Танаффус пайтларида (20.45) — Хайрли тун, кичкинтойлар! (21.00) — Янгиликлар. 22.45 Футбол шарҳи. 23.15 Концерт. 23.40 Муаллифлар ойнаи жаҳони.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Итальян тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Болалар соати. 11.20 Хайрия байрами. 12.05 «XX аср солдатлари урушга қарши» халқаро телемарафони. 16.00 «Россия билан юзма-юз». 16.20 Халқаро телемарафоннинг давоми 18.00 Хабарлар. 18.25 Мусиқий кўрсатув. 19.00 «Россия билан юзма-юз». 19.15 «Сиз яратган боғ». 19.45 Ишдан бўш пайтингизда. 20.00 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 20.15 «Қишлоқда тўй». 20.45 «Ҳар куни байрам». 20.55 «Бешинчи ғилдирак». 22.00 Хабарлар.

3, сешанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Қадрдонлар кўчаси». 8.50 «Ўпирилиш». Бадиий фильм. 10.25 «Ёшлик». 11.10 «Мактабгача тарбия масалалари».
18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Онамга совға» 18.40 Деҳқон маслаҳати. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сифатли тола учун». 19.50 «Ёднома». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Спортлото». 21.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эсон Лутфуллаев куйлайди. 22.05 «Тугатишга киришилсин». Бадиий фильм, 2-серия.

● ЎзТВ II

18.25 «Қалб садолари». 18.55 Тошкент ҳокимияти раҳбарлари билан учрашув. 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Кинонигоҳ». 23.25 «Пульс».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 9.05 «Қувноқ туш ёки кулги ва кўзёшлар». 10.10 Р. Султангареева ижро этади. 10.25 Футбол шарҳи. 10.55 Марлен Хуциевнинг ижодий портрети.
12.00 Янгиликлар. 12.20 Ритмик гимнастика. 12.50 Экология. Жамият. Инсон. 13.20 «Адам Смит бойлиги дунёси». 13.50 «Ён дафтар». 13.55 «Бу сизга керакми?». 14.05 «Савдо растаси». 14.20 Халқаро телемарафон якунларига доир.
15.00 Янгиликлар. 15.20 Ўтган йиллардаги машҳур совет боксчилари. 15.40 «Хуанита ля Лярга». Бадиий фильм. 17.45 «Чемпионлар билан биргаликда».
18.00 Янгиликлар. 18.20 Кўрсатувлар тартиби. 18.25 «Америка: Буш поезди қаёққа боради». 18.50 Мультфильм. 19.00 «Қора қути». 19.40 Марлен Хуциевнинг ижодий портрети. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар. 21.20 Хоккей. МДҲ чемпионати. МАСК — «Крилья Советов». 23.00 «Мцен уездлик леди Макбет». Бадиий фильм. 00.20 «Моторлар оламида». 00.50 «Хуанита ля Лярга». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Француз тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Француз тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 «XX аср кадрда ва кадр ортида». 11.35 «Бешинчи ғилдирак». 13.20 Деҳқон қўрғони. 13.45 «Россиячасига хусусийлаштириш» 16.15 «Простор». 16.45 «Умр кузи». 17.00 Тадбиркорлик ва анъаналар. 17.15 Эркин кураш бўйича халқаро турнир. 18.00 Хабарлар. 18.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.40 Христианлар учун кўрсатув. 19.10 Ишдан бўш пайтингизда. 19.25 «Россия ва дунё». 19.55 Криминал хабарлар. 20.10 «Россия болалари». 20.20 «Ҳар куни байрам». 20.30 Екатеринбургда ҳужжатли фильмлар I фестивали. 21.45 Репортёр.

4, чоршанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон. 8.25 Телефильм. 9.00 «Мукофотлансин. (Ўлимидан сўнг)». Бадиий фильм. 10.30 «Ёшлик». 11.10 Ўзбек адабиётини ўқитишдаги изланишлар.
18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Усмир ва қонун». 18.55 Тижорат хабарлари. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Дала юмушлари». 19.50 Республикада хизмат кўрсатган артист Мирзаабдулло Раҳмонов. 20.15 «Ишбилармонлар ҳузурида». 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Мусиқий қадриятларимиз». 21.55 «Экран таништиради».

● ЎзТВ II

10.30 Биология. 11.00 «Жаҳаннам ёқасида». 11.30 Кимё 18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 «Имконият». 19.50 «Гжель жилолари». 20.00 «Спринт». 20.20 «Келгинди». Бадиий фильм. 21.55 «02» тўлқинида. 22.15 «Янграсин мусиқа».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.10 «Қувноқ туш ёки кулги ва кўзёшлар». 10.15 «Чемпионлар билан биргаликда». 10.30 Фильм-концерт. 11.15 «Сергей Алимов. Автопортрет».
12.00 Янгиликлар. 12.25 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.05 «Ўз-ўзингга мадад бер» 13.35 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 13.50 В. А-Моцарт. До минор фантазияси. 14.05 «Ён дафтар». 14.10 «Телемикст».
15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильм. 15.35 «Бирдан-бир эркак». Бадиий фильм. 1-серия. 16.40 «Болалар мусиқий клуби». 17.10 Мультфильмлар. 17.40 «Виртуози Москви» камер оркестри ижро этади.
18.00 Янгиликлар. 18.25 Рукн премьераси. «Максима». 18.55 Камбағал қишлоқ ҳақида бир оғиз сўз айтинг. 19.40 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм, 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
21.00 Янгиликлар. 21.25 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 2-серия. 22.30 «Отражение» тунги мусиқий қаҳваҳонаси 23.55 Спорт гимнастикаси бўйича МДҲ чемпионати ва кубоги. 00.25 «50х50». 00.55 «Бирдан-бир эркак». Бадиий фильм, 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Немис тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Немис тили. 9.35 «Россия бизнесмени-91». 11.55 «Асл ҳолича...» 12.55 «Рейн ва Волга ёшлар нигоҳи билан». 13.45 Болалар соати.
16.55 «Узоқ Шарқ». 17.40 «Россиячасига хусусийлаштириш». 18.00 Хабарлар. 18.20 Шахсий мулоҳаза. 18.35 «Тусовка: биржа варианти». 19.00 «ЖАРдан репортажлар». 19.30 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 20.00 «Асл ҳолича...» 21.00 «Санъат олами». 21.35 «Россия билан юзма-юз». 22.00 Хабарлар. 22.20 «Менга сўз беринг».

5, пайшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Юртим жамоли». 9.25 «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм. 10.50 «Ёшлик». 11.35 «Фермер хўжаликларида».
18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Оролбўйи муаммолари». 18.50 «Қўқондий латиф ёдгорликлари». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Тадбиркорлар». 19.50 «Жума оқшоми». Диний-маърифий кўрсатув. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 «Ислом маданияти қўшиқлари». 21.45 «Нур таратган соҳибалар».

● ЎзТВ II

18.30 «Таллиннда карнавал». 19.00 «Бу оқшомда». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.30 «Кинонигоҳ». 23.15 «Пульс».

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильм. 8.55 «Болалар мусиқий клуби». 9.25 «Аэлита, эркакларга хиралик қилма». Бадиий фильм. 10.50 Фильм-концерт. 11.30 Телевизион ҳужжатли фильм.
12.00 Янгиликлар. 12.20 «Ҳайвонот оламида». 13.05 «Инсон ва қонун». 13.45 «Фермата». 14.15 «Телемикст».
15.00 Янгиликлар. 15.20 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.50 «Бирдан-бир эркак». Бадиий фильм, 2-серия. 17.00 Болалар учун фильм. «Электрон буви».
18.05 Янгиликлар. 18.25 «Кенес Жандибаев, ислоҳчи». 18.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.20 «Аэлита, эркакларга хиралик қилма». Бадиий фильм. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар. 21.25 Телефильм премьераси. 22.20 «Фермата». 22.50 «Қўрган-кечирганларимиз». 23.55 Фулл-контакт каратэ ҳамда кикбоксинг бўйича халқаро турнир. 00.40 «ВИД» таништиради: «Элдорадо». 01.10 «Бирдан-бир эркак». Бадиий фильм, 2-серия.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Испан тили. 8.50 Ишдан бўш пайтингизда. 9.05 Испан тили. 9.35 Болалар соати. 10.35 Геннадий Родионов рус халқ қўшиқларини қўйлайди. 10.50 «Ким билсин — мангуликми ёки лаҳза». 11.35 «Футбол йиллар оша». 12.20 «Мутлақо махфий». 13.10 «Ляпсус». 15.55 Ишдан бўш пайтингизда. 16.10 «Ўғлимни деб». 16.50 «Исроил ҳақида тушлар». 17.40 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.00 Хабарлар. 18.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 18.55 «Бешинчи ғилдирак». 19.55 «Ҳар куни байрам». 20.05 Махсус тижорат хабарномаси. 20.15 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Динамо» (Киев) — «Барселона» (Испания). 22.00 Хабарлар. 22.25 «Менга сўз беринг».

6, жума

● ЎзТВ I

8.00 «Ўзбекистон». 8.25 «Унутмас мени боғим». 9.05 «Қиммат бола». Бадиий фильм. 10.25 «Галла — ризқ-рўзимиз».
18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ёшлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сифат — бош мезон». 19.30 «Нақшлар жилоси». 20.00 «Дил наволари». Насиба Абдуллаева ижросида янги қўшиқлар. 20.30 «Ўзбекистон». 20.55 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 21.10 «Экранда мусиқа». 22.10 «Чарҳпалак».

● ЎзТВ II

10.30 «Учишга рухсат». 11.00 «Таълим ва маданий мерос». 11.40 «Дайди автобус». Бадиий фильм. 16.45 **АШХОБОД** КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

6.00 «Тонг». 8.35 Мультфильмлар. 9.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.55 Фильм-концерт. 10.30 Телефильм 11.15 «Сиз бунга қодирсиз».
12.00 Янгиликлар. 12.25 «Саёҳатчилар клуби». 13.20 Л. Рюмина куйлайди. 14.00 Мультфильм. 14.15 «Ён дафтар». 14.20 «Бридж». 14.45 «Бизнес-класс».
15.00 Янгиликлар. 15.25 «Фигурачи». Бадиий фильм. 17.05 «Исмингиз нима маънони англатади?»
18.00 Янгиликлар. 18.25 Мультфильм. 18.40 «Инсон ва қонун». 19.20 «Менинг оилам ва бошқа жониворлар». Бадиий фильм, 8-серия. 19.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар. 21.25 «ВИД» таништиради. 00.40 «Астра» таништиради. 01.40 «Фигурачи». Бадиий фильм.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 9.20 Инглиз тили. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Бурда моден» таклиф этади... 11.05 Россия бизнесмени-91». 13.25 Деҳқонларга таллуқли масала. 13.45 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. «Динамо» (Киев) — «Барселона» (Испания).
16.15 «Аҳволлар қандай, Уфа?». 16.45 «Простор». Телебиржа. 17.15 «Ўхшаш дунёлар». 18.00 Хабарлар. 18.25 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 18.40 Ишдан бўш пайтингизда. 18.55 «Версия». 19.10 Очиғини айтганда. «Нифоқ» ороли. Японияда қараганда». 19.40 «Менга сўз беринг». 20.10 «Ҳар куни байрам». 20.20 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида. 20.45 Бал рақслари фестивали.

7, шанба

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм, 1-серия. 10.05 «Дурдона» рақс ансамблининг концерти. 10.25 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.55 «Ёшлик». 12.15 «Эл хизматида». 12.55 «Эртаклар — яхшиликка етаклар». 13.30 «Замандас». 15.40 «Ул санамки...».
18.00 Мультфильм. 18.15 «Умид учқунлари». 19.00 «Ўзбекистон» 19.20 Инглиз тили. 19.50 «Ёшлик ёғдуси». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Ўзанини топар дарёлар». 22.20 «Кино осмонида чақнаган юлдузлар».

● ЎзТВ II

9.00 **ДУШАНБЕ** КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

7.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 8.30 Мультфильм. 8.40 «ТВ-Нева» таништиради. 9.00 «Циркни ҳамма севади». 9.45 Тонгги мусиқий кўрсатув. 10.15 «Марказ». 10.55 «Тадбиркор». 11.45 Инсон институти. 12.25 «Мусиқий дўкон». 12.55 «Пи» белгиси билан.
13.45 Янгиликлар, 14.10 «ЭХ». Экологик хроника. 14.25 «Хаёлимдаги йигит». 15.25 «Кулол ва кўза». Бадиий фильм. 16.55 «Қизил квадрат». 17.35 Мультфильм премьераси. 18.00 И. Аллегрова куйлайди. 18.15 «Саккиз қиз — бир ўзим» 18.45 «Бахтли тасодиф». 19.45 «Золушка-80». Бадиий фильм. 1-серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар. 21.25 «Золушка-80». Бадиий фильм, 2-серия. 22.25 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». 01.25 «Бир боқишда муҳаббат». 1-кун.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 «Чашмалар». 8.50 Миллий баскетбол уюшмаси баскетбол шарҳи. 9.20 «Байрам» фольклор кўрсатуви. 9.50 «Супербуви-91». 10.55 «Плюс ўн бир» видеоканали. 12.55 «Пилигрим». 13.55 «Чистие прудидаги уй». 15.25 «Петербург могиканлари». 15.55 «Третяковдаги нодир асарлар билан бўлган детектив воқеа». 16.15 Сафсаталар». 16.55 «Ив Роше?..» нима дегани? 17.20 М-трест».

18.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ **«ДЎСТЛИК»** ВИДЕОКАНАЛИ

22.00 Хабарлар. 22.25 Театр сафари. Драматик актриса керак. Вера Васильева. 23.40 «Рок-қаҳвахона».

8, якшанба

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти. 8.30 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм, 2-серия. 9.55 Спорт кўрсатувлари. 10.50 «Юрак билан кўриб турибман». 11.10 «Қалбимда муҳаббат наволари». 11.55 «Онажоним бор бўлсин». 13.55 «Парвона». Спектакль. 15.55 «Фақат қизлар учун».
18.00 Мультфильм. 18.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Ўзбекистон». 19.20 «Сен мени ишонтир...». 20.30 «Ўзбекистон». 21.00 «Ҳадя бўлсин Сизга гул ҳам, қўшиқ ҳам».

● ЎзТВ II

9.00 **БИШКЕК** КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 «Спортлото». 8.45 Спорт ҳамма учун. 9.15 «Эрта саҳарлаб». 9.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 10.25 «Камалак». 11.05 «Тонг юлдузи». 11.55 «Суперледи». 12.25 «Лимпопо». 12.55 «Родопига саёҳат». 13.10 Мультфильм. 13.30 «ТВ-Нева» таништиради. 13.55 «Бойлар ҳам йиғлайди». Бадиий фильм. 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Марафон-15». 16.20 «Саёҳатчилар клуби». 17.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 18.00 «Уолт Дисней таништиради...» 18.50 Шеърият лаҳзалари.
19.00 Янгиликлар. 19.20 «Телелоция». 19.30 «Саккиз қиз — бир ўзим». 20.00 «Золушка-80». Бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар.
22.00 «Якунлар». 22.50 Актёрлар байрами. 23.50 «Кабаре». 01.30 «Бир боқишда муҳаббат». 2-кун.

● «ДУБЛЬ IV»

8.00 Хабарлар. 8.20 Россиянинг ҳужжатли экрани. 9.05 Хоҳ ишонинг... Телекрассворд 9.35 Нижегород тупроғининг мавсумий урф-одатлари. 10.15 «Севги изҳори». 10.30 «Дилетантлар мулоқотлари». 11.00 «Супер китоб». Мультфильм. 11.25 «Ати-бати...». 11.55 «Телеассамблея». 12.55 «МАСК: Олтин мавсум ҳақида хотиралар».
13.55
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ **«ДЎСТЛИК»** ВИДЕОКАНАЛИ

15.35 «Омад». Мусиқий дам олиш кўрсатуви. 16.35 «Ҳайвонот оламида». 17.35 Қийин пайтлардаги камтарин эҳтиёжлар. 18.00 Хабарлар. 18.20 «Ҳар куни байрам». 18.30 «Ишбилармон аёл» — «Эркаклар клубида» меҳмонда». 19.15 Миллий баскетбол уюшмаси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. 20.15 Спорт кўрсатуви. 20.25 «А» программаси.

Ибн Сино мадади

Соғлиқни сақлаш муҳим вазифалардан бири. Шунинг учун ҳам ижтимоий-иқтисодий масалалар ичида энг муҳим вазифалардан бири халқ соғлиғини сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳақда пойтахтимиздаги Октябрь районига қарашли Абу Али ибн Сино номли 1-шаҳар клиник касалхонаси бош шифокори М. ҚОДИРОВ мухбиримиз билан суҳбатда шундай ҳикоя қилади:

— Касалхонамиз бугунги кунда Тошкент шаҳридагина эмас, Ўзбекистон Республикасидаги йирик, кўптармоқли, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган шифо марказларидан бири. Касалхонамиз 150—200 ўринли кичик муассасадан 1200 ўринли йирик тиббиёт марказига айланган. Унинг таркибида 27 турдаги даволаш бўлимлари ҳамда ўндан ортиқ ёрдамчи даволаш-текширув бўлинмалари мавжуд. Буларда 1500 дан зиёд тиббиёт хизматчилари, шу жумладан, 150 дан зиёд юқори малакали шифокорлар, фан номзодлари, 650 дан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари ишламоқдалар.

Касалхонамизнинг шу кундаги обрў-эътибори, унинг ютуқлари кўп жиҳатдан профессор-доцентлар ва муаллимлар ҳиссасига тўғри келади. Тўққизта кафедра ва иккита курсда 1 ва 2-Тошкент олий билимгоҳлари, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш олий билимгоҳи ҳамда Тошкент педиатрия олий билимгоҳи ўқув базалари жойлашган. Бу кафедраларда профессор, доцент, ассисент ва бошқалар халқ соғлиғи йўлида хизмат қилмоқдалар.

Шифохонамизда барча турдаги касалликлар даволанадиган бўлимлар мавжуд. «Уткир заҳарланганлар реанимацияси», «Ўпка ва нафас йўли касалликлари», «Қуйган беморлар» ва бошқа марказлар район, Тошкент шаҳ-

ХИЗМАТИМИЗДАН БАҲРАМАНД БЎЛИНГ

ридагина эмас, республикамиз беморлари учун ҳам мукаммал тиббиёт хизмати кўрсатмоқдалар. «Қуйган беморлар» даволанадиган бўлимда икки мингдан зиёд бемор ўз дардига шифо топиб чиққанлигини мамнуният билан айтиш мумкин. Бўлимда профессор Ш. Каримов бошчилигида даволаш, текшириш, муҳофаза ҳамда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу ерда Москва, Киев, Санкт-Петербург, Харьков ва бошқа минтақа малакали шифокорлари билан илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Клиникада куйган беморларни ва унинг асоратини даволашда янги усуллар кенг ўрганилиб, жорий қилинмоқда.

Кейинги йиллар бўйича юрак-қон-томир касалликларининг таҳлили шуни кўрсатдики, шаҳримизда бундай беморларнинг сони ортиб бормоқда. Бу эса доимий ногиронликнинг кўпайишига, хасталик туфайли ишга лаёқатлилик йўқолишининг ортишига, ўлимнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Касалхона таркибидаги туғуруқхонанинг юрак хасталигига чалинган ҳомиладор аёлларга мўлжалланганлигини ҳисобга олиб, маъмурият умумий терапия бўлими ўрнида 46 ўринли шиддатли кардиология ва кардиореанимация бўлимини ташкил қилди. Бугунги кунда бўлим замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори-дармон билан таъминланган. Бу эса юзага келадиган оғир асоратларни ва ўлимни камайтиришга олиб келмоқда.

Ўпка касалликлари билан хасталанган икки бўлимда Германияда ишлаб чиқарилган «МАСТЕРЛАБ» аппаратининг ўрнатилганлиги ижобий натижалар берди. Бу аппарат «Егер» фирмаси маҳсулоти бўлиб, кўп қиррали текшириш натижасида нафас йўллари ҳолати борасида тўлиқ тушунчага эга бўлинмоқда. Аппарат текширувида 28 тур кўрсаткич ўтказилади. Аппарат замонавий компьютер билан жиҳозланган. У эсда сақлаш қобилиятига эга. Бир вақтнинг ўзида 50 мингдан зиёд бемор маълумотларини сақлайди.

Замонавий текширувлардан бири — ультратовуш диагностикаси яқинда иш бошлади. Японияда ишлаб чиқарилган бешта мана шундай аппарат беморларга хизмат кўрсатмоқда, Курс раҳбари— тиббиёт фанлари номзоди, доцент О. Дўстмуродов бошчилигида замонавий ташхис усули бўйича беморлар дардига шифо топмоқдалар.

Шифохонада даволанаётган беморлардан ташқари аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Бир ойда ўрта ҳисобда уч юзга яқин киши бу усулдан фойдаланиш имкониятига эга. Тиббий хизмат янада мукаммаллашиб бораётир. Бунинг далили сифатида юқори босимли кислород билан даволаш бўлими ташкил этилганлигини таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда уч та юқори босимли кислород билан даволаш камераларида ўткир заҳарланган беморлар, оғир ревмотологик касалликлар, ўпка, ошқозон-ичак ва қон томирлари хасталиклари билан азоб чекаётган беморлар бу усулдан баҳрамand бўлмоқдалар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ **ЖАРЧИНОМАСИ**

«САНТИС—НВ» АГЕНТЛИГИ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон нимаси билан фахрланса унинг ҳаммасини, озиқ-овқат ва истеъмол товарларининг катта қисмини СОТИБ ОЛАМИЗ.

Россиянинг шимолий-ғарбий регионидаги барча бойликларни, қурилиш материалларининг кенг ассортиментини, техника, халқ истеъмоли товарларини ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Россия саноати, фани, савдоси билан алоқалар ўрнатишга ЁРДАМ БЕРАМИЗ.

«САНТИС — НВ» Агентлиги» Акционерлик жамияти Санкт-Петербург, Новгород, Псков, Вологда, Карелиядаги 312 та йирик корхонанинг мухтор вакили ҳисобланади.

Биз узоқ муддатли ишончли ҳамкорларни излаймиз.

Манзилгоҳимиз: 193168, Санкт-Петербург а/я 142.

Телефонлар: 252-36-69, 587-86-05.

Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик - саноат мажмуининг корхоналари, ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари диққатига!

Баҳор кириб келаётганлиги ва экин-тикин мавсуми бошланаётганлигидан, дала ишлари режими ўзгараётганлиги муносабати билан «Ўзбекистон» деҳқончилик-саноат биржасига мижозлардан, брокерлик фирмалари ва идораларидан, муассислар ва акционерлардан, хуллас, жумҳурият деҳқончилик-саноат мажмуи турли тармоқларининг вакилларидан биржа савдо-сотиқларини иш ҳафтасининг охирига кўчириш тўғрисида кўпдан-кўп истаклар ва таклифлар тушмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН» ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ БИРЖАСИ БОШҚАРУВИ ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ:

1 МАРТДАН БОШЛАБ

ҲАР ҲАФТАДА ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО-СОТИҚ ЭНДИ ЖУМА КУНЛАРИ БЎЛАДИ.

«ЎЗБЕКИСТОН» БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ САВДО-СОТИҒИ:

6 МАРТДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИНГ «ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ» ПАВИЛЬОНИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Савдо-сотиқ эрталаб соат 11 да бошланади.

Рўйхатга олишга соат 9.30 дан киришилади.

Деҳқонларга эртанги сабзавот-полиз маҳсулотларини энг мақбул муддатларда ва иложи борича нобудгарчиликсиз сотишларига ёрдам бериш мақсадида «Ўзбекистон» биржаси ҳузурида ихтисослаштирилган бўлим ташкил этилди.

Маълумотларни олиш учун қуйидаги телефонга қўнғироқ қилишингиз мумкин: 45-83-17.

Пахтачилик бўлимининг телефонини эслатиб ўтамиз: 45-25-43.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, ёғоч-тахтани, бинокорлик материалларни, ўғитларни, қишлоқ хўжалик машиналарини, асбоб-ускуналарни, халқ истеъмоли молларини сотиш ва харид қилиш учун буюртмаларни «Ўзбекистон» деҳқончилик-саноат биржасида расмийлаштиришингиз мумкин.

Биржа канали: (3712) 45-06-45, 45-08-53.

Факс: 45-14-43.

ГУРУНГ

РУДАКИЙ ЖАМҒАРМАСИ

Дарҳақиқат, кўпчилик Абу Абдулло Рудакийни форс-тожик классик адабиёти асосчиси сифатида яхши билади. Шу пайтга қадар А. Рудакий (858—941 йиллар) Панжикентда таваллуд топган, деб келинар эди. Бироқ кейинги тадқиқотлар буюк алломанинг Самарқанддек қадимий ва табаррук заминда дунёга келганлигини кўрсатмоқда. Шу боис самарқандликлар А. Рудакийга бу масканда ёдгорлик ўрнатишга аҳду паймон қилдилар.

Шуниси қизиқарлики, шоир ҳайкали, умуман ёдгорлик комплекси ҳашар йўли билан барпо этилади. Ана шу мақсадда Самарқандда Рудакий жамғармаси томонидан ҳайрия марафони ўтказилди. Унда фақат шаҳар эмас, балки вилоятдаги барча меҳнат жамоалари, корхоналари, ижодкорлар, жамоа ташкилотлари фаол қатнашдилар. Шунингдек ҳайрияга жумҳуриятлар, жумладан тожикистонлик биродарлар ҳам муносиб улуш қўшдилар.

— Хайрия марафони халқимизнинг тарихда шеъриятга, хусусан, Рудакий оламига нечоғлик эътиқоди кучли эканини кўрсатди, — дейди Рудакий жамғармаси бошқаруви раиси, филология фанлари доктори, профессор С. Саъдиев.—Маълум бўлишича, Рудакий Панж қишлоғида дафн этилган. Бу қишлоқ Самарқанддан бор-йўғи 12 чақирим четда жойлашган. Хуллас, биз энди Рудакийни дунёга машҳур шаҳарнинг фарзанди сифатида эъзозлашимиз шарт. Хайриядан тушадиган маблағ эса буюк аллома хотирасини абадийлаштиришга сарфланади.

Дарвоқе, шоирнинг ўлмас мисралари халқимиз қалбида ҳамоҳ жаранглайди:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

- Аллома хотирасини эъзозлаб
- Соҳибкорлар ҳиммати
- Жангчи қаламкаш эди
- Чипор тўп ўйинлари яқин

• Табиат тароналари

Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» жамоа хўжалиги бош боғбони Собиржон Раҳимбердиевни Хоразмнинг минглаб табиат шайдолари, соҳибкорлар, боғбонлари ва ҳаваскор овчилари жуда яхши билишади. Бунинг боиси бор. Собиржон асли қавмимизнинг олчин деб аталган уруғидан бўлиб, жамоа хўжалигининг ана шу ном билан аталадиган ҳудудида туғилиб ўсган ва ана шу депарани том маънода жаннатга — она табиатимизнинг гўзал масканларидан бирига айлантиришга бел боғлаган азаматлардан.

«ОЛЧИН БОҒ»

У қарийб 15 гектарлик майдонда яратган мевазор-боғни қишлоқ аҳли бўстонга менгзатиб, «Олчинбоғ» деб атайди. Боғ Митянов номли районлараро заҳкаш — коллекторнинг ўрта соҳили ялангликларида барпо этилган бўлиб, мен мева чеваси сероб бундай турфаранг ва сўлим оромгоҳни воҳада кам учратганман. Бу ерда нима етиштирилмайди дейсиз ўзи? Хўжалик боғида етиштирилаётган жоноқи олмаю шафтолидан, узум ва ўрикдан, олчаю ёлқ ҳамда шотутдан ҳар йили неча ўн минг сўмлик даромад оляпти. «Олчинбоғ»да синаш учун экилган бодомлар ҳам, олма ва беҳи пайванд қилиниб, бир йўла уч хил мева армуғон этадиган воҳанинг ўзига хос неъмат дарахти — илиштирик (жийдининг бир нави) ҳам ҳосилга кирди. Боғдан териб олиниб, эл дастурхонига армуғон этилаётган сершарбат мева-мастон ҳар йили ўртача 45—50 тоннадан тош босаётир.

Йўқ, барибир мен айтмоқчи бўлаётганимнинг энг муҳими бу эмас. Энг муҳими, Собиржон бу ерда тустовуқ ва ёввойи қуёнлар урчиб улғаядиган қўлбола табиий маскан, коллекторнинг қарийб бир километрлик қумлоқ соҳили бўйлаб эса саксовулзор ташкил этгандир. Табиат шайдоси ўз маблағи ҳисобига симтўр ўраб тузатган, қамиш ва чучукмиялар ўстирилиб, улар учун қўлбола муҳит яратган 400 квадрат метрдан мўлроқ майдонда бундан тўрт-беш йил олдин тугаб, ноёб бўлиб бораётган бир жуфт сулгун — тустовуқ асрай бошлаган эди. Улар бугунга келиб деярлик ўттиз бошга етди. Махсус қуёнхонада асралган тўрт бош ёввойи қуён қарийб 200 бошга етказилиб, яқинда онатабиат бағрига озод қўйиб юборилди. Уруғидан кўкартириб минглаб тупга етказилган саксавулзор ҳам аллақачон «ҳосил»га кирган, унинг уруғи оёқ остига тутдек тўкилиб, ер билан битта бўлиб ётибди. Қанийди, табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасиданми, ўрмон хўжалигиданми, гўзалликка шайдо бир азамат топилсаю, бугунги кунда ноёб бўлиб қолаётган ўша уруғларни эринмай бир-икки қоп қилиб йиғиб, диёримиз ҳудудидаги асрий қумликларга экиб чиқса, Ахир, табиат муҳофазаси бобида бундан ҳам ортиқ ҳайрли иш бўлиши мумкинми?

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Тарихимиз саҳифалари*

ЮЗ ЙИЛ АВВАЛГИ ОФАТ

1892 йилнинг ёзида Тошкент шаҳри ва вилоятида вабо бўлган. Ушанда бобом ёш бола эканлар — кўмиб улгурилмаган мурдалар кўча-куйларда ётар ва юзига рўмол ташлаб қўйилган бўлар экан.

Бешёғоч даҳасида мадраса қурган Абулқосимбой, шунингдек катта бобом Муҳаммадюнус Муҳаммадюсуф ўғли ҳам ўша вабодан нобуд бўлишган.

Шунда рус ҳокимияти ўлат тарқалиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадида шаҳар девори ичидаги мозорларга маййит (жасад) қўйишни тақиқлаган ҳамда шаҳар ичидаги кўнчиликлар ҳам шаҳар дарвозасидан ташқарига — Зах, Жарариқ мавзеларига кўчсин деб буйруқ қилган. Шу билан бирга аҳоли вабога қарши биринчи марта ёппасига мажбуран эмланган.

Шу йил Тошкентимизда ўтган аср вабо қурбонларини хотирлаш маъракалари ўтказилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Шарафиддин КУНЧИ.
(ЎзА).



Иш вақти тугади. Сурат-лавҳани В. МОЛГАЧЕВ олган.

• *Навруз ёдномаси* •

ОДАМДАН ЯХШИ НОМ ҚОЛСИН

Рўзномамизнинг ўтган йилги сонларидан бирида муҳарририятимиз тавсияси билан собиқ қадрдон ходимимиз, жангчи журналист ва ёзувчи Самад Қодировнинг номи халқ депутатлари Қарши район кенгаши қарорига кўра ўзи туғилиб ўсган Тўқмангит қишлоғидаги «Комсомол» мактабига берилганлиги ҳақида хабар қилинган эди.

Яқинда район кенгаши маъқуллаб, махсус қарор қабул қилди. Рўзнома муҳарририятининг таклифи амалга ошди. С. Қодировнинг номини абадийлаштириш мақсадида унинг номига қўйилган мактабда тантана ўтказилди. Маросимга С. Қодировнинг ҳамқишлоқлари, узоқ-яқиндаги ҳамкасблари, қуролдош дўстлари, шогирдлари, фарзандлари, қариндошлари келишди.

— «Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририятининг марҳум журналист ва ёзувчи Самад Қодиров номини абадийлаштиришга бош қўшиб ҳайрли иш қилган, — деди маросимни оча туриб Қарши район ҳокими Т. Р. Жалилов, — Самад ака раҳматли шунга арзийдиган инсон эди.

Самад Қодиров Қарши районидаги Т. Мирзаев номли давлат хўжалиги ҳудудидаги Тўқмангит қишлоғида туғилган, 1943 йилда ҳарбий хизматга чақирилиб фронтга кетди. Белоруссия ҳамда Болтиқ бўйи жумҳуриятлари ҳудудидаги бир қанча шаҳар ва қишлоқларни босқинчилардан озод қилишда қатнашди. Оддий жангчи ўқчи, разведкачи, танкчи сифатида Берлингача борди. Жанг майдонларида икки марта яраланди.

Урушдан кейин Самад ака Қашқадарёга қайтди ва бир неча йил комсомол ходими бўлиб ишлади. Кейин бутун умрини журналистикага бағишлади. Район, шаҳар ҳамда вилоят рўзномаларида, республика матбуотида турли лавозимларда ишлади. Айниқса «Совет Узбекистони» («Ўзбекистон овози») рўзномаси таҳририятида адабий ходим ва масъул котиб ўринбосари вазифаларида узоқ йиллар самарали хизмат қилди.

Унинг кўрган-кечирганлари, чўлқуварлар билан учрашувлари, фронт таассуротларидан «Минг ўлимни енгиб,» «Ефрейтор кундаликлари», «Нон насиба», «Мафтунингман, Мир зачўл», «Иккинчи Фарғонага келинг» каби қатор очерк ва қиссалар тўплами юзага келди. Бугунги кунда ана шу асарлар С. Қодиров номли мактабда ташкил этилган музей экспонатлари орасидан муносиб ўрин олди. Ёш авлод эндиликда бу ерда мардликдан, камтарлик ва адолатдан сабоқ олмоқда.

Маросимда сўз олган вилоят фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов, Темир Мирзаев номли совхоз директори Н. Қамбаров, унинг сафдош дўсти журналист О. Мўминов, ўқувчилардан М. Раҳимова, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Орзи бобо Жумаев, унинг фарзанди А. Қодиров ва бошқалар ажойиб инсоннинг фазилатлари ҳамда фарзандлари ҳақида алоҳида тўхталдилар.

Талантли журналист ўзининг «Одамдан яхши ном қолсин» асарида шундай сатрларни битган. «Яхшилик яхшилик билан қайтади, аммо бу яхшилик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Дунёда одамдан яхши ном қолсин! Ҳа, яхшиликка нима етсин».

Самад Қодиров ҳам сермазмун ҳаёт йўли, баракали ижоди, оқил ва билимли фарзандлари, шогирдлари билан ўзидан яхши ном қолдирди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ФУТБОЛ МАВСУМИ АРАФАСИДА* •

СССР парчаланиб кетди. Мамлакат футбол чемпионати ҳам барҳам топди. Аввалига Россия бундай нуфузли мусобақани ўзи бошқармоқчи бўлди, бу ердаги келишмовчиликлар ва мансаб учун курашишлар шундай бир вазиятни вужудга келтирдики, аввал федерация, кейин уюшма ва ниҳоят Ҳамдўстлик раҳбарликни олди. Нирков—Кавазашвили—Колосков учлигидан собиқ СССР футбол федерацияси раиси Вячеслав Колосков ғолиб чиқди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги чемпионати иштирокчилари рўйхати эълон қилинганда унинг олий лигасида жумҳуриятимизнинг икки жамоаси «Пахтакор» ва «Нефтяник» ни кўриб қувондик. «Арарат» футболчилари бундай мусобақада қатнашишдан бош тортгандан сўнг унинг ўрни «Навбаҳор»га берилди. Лекин кўп ўтмай Москва жамоалари найранг кўрсатиб, МДҲ биринчилигида қатнашмасликни маълум қилишди.

Мавсум арафасида шунча чалкашликлар бўлдики, футбол мухлислари ҳам бетоқат бўлаёздилар. Хўш, мана шундай вазиятда ўзбек футболининг аҳволи нима кечади? Биз Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси раисининг биринчи муовини Наримон ЖАЛОЛОВга мурожаат қилдик.

— Маълумки, пахтакорчилар ўтган йили олий лигадаги ўринларини қийинчилик билан сақлаб қолдилар. Мавсум якунлангач, бу масала атрофлича муҳокама қилинди, камчиликларнинг сабаблари ойдинлаштирилди. Футболчилар таъстили олдидан уларга алоҳида топшириқлар берилди. Топшириқлар қай даражада уддаланганини аниқлаш мақсадида декабрь ойи ўрталарида Қибрайда тўпландик.

Уч кунлик тиббий кузатув ўйинчиларимизнинг топшириқларни виждонан бажаришганини кўрсатди. Жамоа врачи Анатолий Тюриковнинг жисмоний тайёргарлик ҳолатини аниқловчи машқлари кўнгилдагидек бўлди.

Ҳозир «Пахтакор»да мавсумга тайёргарлик ишлари қатъий режа асосида олиб борилмоқда. Бир неча марта ўтказилган ўртоқлик учрашувлари ҳамда Фарғона ва Душанбе шаҳарларида ўтказилган анъанавий турнирлар, «Пахтакор» хотирасоврини учун баҳслар жамоа тўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатди. Март ойи охирларида бошланадиган Ўзбекистон миллий чемпионати мусобақаларига жамоа аъзолари тайёр бўладилар, деган умиддамиз.

— Мухлислар футбол жамоасидаги янгиликларни билишга қизиқиши табиий. Бу ҳақда нима дея оласиз?

— ЦСКА сафларида тўп сурган Александр Тарханов жамоага маслаҳатчи тренер лавозимига таклиф этилди. Собиқ пахтакорчи, Тошкентнинг «Умид» жамоаси бошлиғи Аҳмад Убайдуллаев «Пахтакор» устозлари сафига қўшилди. Ўйинчилар масаласига келсак, «Навбаҳор»дан Рустам Забиров, «Нефтчи»дан Вели Қосумов, «Геолог»дан Геннадий Багачев, таганроглик тренер Владимир Лебедев, Грозниийнинг «Тереки»дан Александр Бондарь, Руслан Идигов, Сергей Павлов ва бошқалар пахтакорчилар сафига қўшилди. Истеъдодли ҳимоячи Сергей Бондаренко «Сўғдиёна» футболчиларига мураббийлик қилади, дарвозабон Сергей Бураков яна Олмаотанинг «Қайрат» жамоасига қайтиб кетди.

Ҳозир вазият тамоман бошқача, биз Ўзбекистон миллий чемпионатини ўтказишга ҳозирланяпмиз. Энди ўринбосарлар жамоаси бўлмайди. Шу сабаб мазкур ўйинчиларни саралашни мўлжаллаяпмиз. Ўзига хос муаммо мавсум бошлангунча ҳал этилади.

— Илк марта ўтказиладиган Ўзбекистон миллий чемпионати тартиблари ҳақида гапириб берсангиз?

— Биринчи марта Ўзбекистон миллий чемпионатини ўтказишга ҳозирлик кўриляпти. Ўтган йили олий лигада «Пахтакор», биринчи лигада «Нефтяник» ҳамда «Навбаҳор», шарқий минтақада «Нурафшон», «Автомобилчи», «Сўғдиёна», «Косонсойчи», «Сурхон» жамоалари, иккинчи лига ўйинларида салкам 20 жамоамиз иштирок этишгани маълум. Зеро, бундай тартиб футбол жамоаларини, хусусан Ўзбекистон спорт ташкилотларини мусобақалардаги иштирокини бироз чегаралаб қўярди. Ҳозир республика етакчи мутахассислари билан бамаслаҳат Ўзбекистон миллий чемпионатини уч гуруҳда ўтказишга қарор қилинди.

Мавсум охири олий лигада омади юришмай, сўнгги икки ўринни эгаллаган жамоалар ўз ўрнини биринчи лиганинг икки пешқадам жамоасига бўшатиб беради. Ўз навбатида биринчи ва иккинчи лигалар орасида учтадан жамоалар ўрни алмаштирилади. Биринчилик ғолиби ва мағлуб жамоалар ўртасида ҳеч қандай қўшимча учрашувлар ўтказилмайди. Бундан буён бўш футбол жамоаси ўз ўрнини кучлироқ жамоага бўшатиб бераверади.

— Илгари «Пахтакор» ва «Қайрат», кейинчалик «Пахтакор» ва «Помир» жамоаларининг ўйинлари бир вақтда ўтказилиб, ўйингоҳларда қўшни шаҳардаги учрашув натижаларини эълон қилиб туришга имкон бўларди. Бундан буён республикамизда олий лиганинг ўзида кунига 7—8 учрашув бўлиши мумкин. Шу муносабат билан Ўзбекистон ўйингоҳларидаги учрашувларнинг натижа ва тафсилотлари ҳақидаги маълумот ва ахборотларни олиш қандай йўлга қўйилади?

— Албатта бундай янгиликларни вақтида мухлисларга аниқ ва тез етказиб бериш фойдали эканлигини унутмаслик лозим. Бу соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида республикамиз Алоқа вазирлиги ҳамда ўйингоҳлар мутахассислари билан ҳамкорликда шу масала юзасидан келишиб олмоқчимиз.

— Пахтакор марказий ўйингоҳи йирик спорт базаси ҳисобланади. Айтинг-чи, бу ерда футболдек халқ севган ўйинни тарғибот ва ташвиқот қилиш учун шароитлар етарли, деб бўладими?

— Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беролмайман. Бир вақтлар нуфузли ўйингоҳлардан ҳисобланган бу спорт маскани кейинги йилларда ўз мавқеини йўқотиб қўймоқда. Мухлисларимиз яхши билишади. Аввалари бу ерда собиқ СССР терма жамоаси ўйнарди. Чемпионлик тақдири учун «Динамо» (Москва)—ЦСКА учрашуви, Москва торпедочиларининг Оврўпо клублари билан мароқли ўйинлари, халқаро учрашувлар ўтказилган. Эндичи.. Ўйингоҳ ишга тушгандан буён яшил майдон таъмирланмагани, электр ёритгичларини алмаштириш ҳаддан ташқари чўзилиши, таблонинг нуқсонлар билан ишлаши каби иллатлар етакчи жамоаларни марказий ўйингоҳимиздан юз ўгиришга олиб келди. Бундан ташқари учрашув ҳақидаги афишалар таъсирчан ва ранг-баранг эмас, яна шаҳарнинг турли жойларига осиб қўйилмаяпти. Мухлислар учун шароит ҳам кўнгилдагидекмас. Яқинда ўйингоҳ маъмурияти (директор Яков Якубов) Ўзбекистон футбол федерациясига таклиф этилиб, йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди ва уни бартараф этиш муддати белгиланди. Ўйингоҳни ёритиш масаласи биринчи давра якунланиш арафасида ҳал бўлади.

— Бу йилги энг муҳим вазифа —Ўзбекистонни Жаҳон футбол федерацияси — ФИФАга аъзо бўлишини таъминлашдир. Бу борадаги ишлар қандай амалга оширилмоқда?

— ФИФАга аъзо бўлиш учун зарур ҳужжатлар (Ўзбекистон футбол федерацияси Низоми, Дастури, чемпионат ўтказиш регламенти, ўйингоҳлар ҳамда футбол мактаблари ҳақида маълумотлар) март ойи бошларида жўнатилади. Кейин ФИФА вакиллари Лозанна шаҳридан республикамизга ташриф буюриб, вазиятни ўрганишади. Маълум муддатдан сўнг Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарларидан бири Цюрих шаҳрида бўлажак суҳбатга боради. Учинчи июль куни ФИФАнинг навбатдаги конгресси ўтказилиб, худо хоҳласа биз ҳам унга аъзо бўламиз. Бу ўз навбатида Осиё конференциясига ҳам ўз-ўзидан аъзо бўлишимизга имкон беради. Демак ФИФА ихтиёридаги Осиё мамлакатлари федерациялари билан мустаҳкам алоқа ўрната оламиз. У ёғини сўрасангиз, миллий чемпионат ўтказаётган давлатларгина ФИФА га қабул қилинади.

— Наримон ака, Ўзбекистон Республикаси миллий ва Олимпия терма жамоалари қандай тартибда таркиб топмоқда?

— Биласизми, авваллари ҳам жумҳуриятимизда терма жамоалар бўларди, лекин улар асосан қоғозда бўлиб, амалда «Пахтакор»та куч келарди. Энди Ўзбекистоннинг расман икки терма жамоаси таркиб топди, ўйинчилар рўйхатини тузишда федерация аъзолари ҳамда мутахассислар фикри инобатга олинди. Миллий терма жамоага педагогика фанлари номзоди Рустам Акромов устозлик қилмоқда. У кишининг бевосита мураббийлигида Ислом Аҳмедов, Владимир Кисера, Саттор Раҳимов, Сурҳат Салимжонов, Тоир Ёқубов каби ўйинчилар катта спортга йўлланма олишган. Истеъдодли тренер кейинги йилларда Жазоир ёшлар миллий терма жамоасига ҳам устозлик қилди. Ҳозирги кунда миллий терма жамоамиз федерация ижроия қўмитаси тасдиқлаган режа асосида иш бошлаб юборди. ФИФАга аъзо бўлиб олгач, 1998 йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларида қатнашишга тараддуд кўраверамиз.

Олимпия терма жамоаси аъзоларига собиқ пахтакорчи, спорт устаси Тўлаган Исоқов устозлик қилмоқда. Олимпия ўйинлари футбол турнирида 23 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этиши лозим. Шунинг учун жамоага асосан 1970—75 йилларда туғилган ёшлар киритилди. Ўзбекистонни Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо бўлиши учун ҳужжатлар жўнатилишига тайёргарлик кўрмоқдамиз. 1996 йилда Олимпиада ҳаракатига 100 йил тўлади. Худо хоҳласа Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ана шу йилдан Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларида иштирок эта бошлайди. Иккала терма жамоа «эшиклари» барча футболчилар учун очиқ. Истеъдодли ўйинчилар терма жамоаларга таклиф этилади. Ўйинчилар билан ишлаш шартнома асосида олиб борилади.

— «Пахтакор—79» жамғармаси ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Бундай жамғарма азалий орзу эди. Ўтган йили пахтакорчилар руҳини шод этиб, «Пахтакор—79» жамғармаси ташкил этилди. Жамғармага жумҳурият Адлия вазири, Ўзбекистон футбол федерацияси раисининг муовини Бобур Маликов раис этиб сайланди. Жамғармага «Азия Трайдинг интернейшнл» Совет—АҚШ қўшма корхонаси (бош директори Улуғбек Эштоев) юз минг ҳамда «Совпластиталь» Совет — Италия қўшма корхонаси (бош директори Александр Мелкумов) эллик минг сўм пул ўтказди. Ҳозир ҳам жумҳуриятимизнинг турли хил ташкилотларидан ҳайрия пуллари тўпширилмоқда.

— Бир неча йил муқаддам Тошкентда Халқаро турнир ўтказилиб, унда ҳалокатга учраган жамоалар—«Торино» (Италия), «Манчестер Юнайтед» (Англия), «Грин кросс» (Чили), «Строчеет» (Боливия), «Альянс» (Перу) ҳамда «Пахтакор» қатнашадилар, деган гап тарқалган эди...

— Гапингизга тушундим. Жамғарманинг хайрли ишларидан бири ана шу Халқаро турнирни ўтказишдир. Ҳозирги кунда ФИФА президенти Жоао Авеланж номига Халқаро турнир ўтказиш ҳақидаги мактуб жўнатилган. Улуғбек Эштоев яқинда Англияда бўлиб, «Манчестер Юнайтед» клуби раҳбарлари билан учрашди. Улар бундай турнирда иштирок этишга бажонидил рози бўлдилар.

— Омонлик бўлса шу йил сентябрда Ўзбек футболининг 80 йиллиги нишонланади. Шу ҳақда ҳам сўзлаб берсангиз?

— Ўзбек футболи ва унинг тарихига бағишланган кўпгина тадбирлар ўтказилади, янги китоблар ва қўлланмалар чоп этилади, ҳужжатли фильмлар яратилади, катта турнир ўтказиш режалари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон футбол федерациясининг юбилей тантаналарига фахрийлар, ҳакамлар, мутахассислар, мураббийлар таклиф этиладилар.

— Ўзбекистон Республикаси футбол мавсуми арафасида мухлисларимизга тилакларингиз?

— Ўйингоҳларимизга ташриф буюраётган футбол ишқибози ўзини катта концертга ёки дилтортар томошага келаётгандек ҳис қилишларини истардим. Ахир ҳужумкор, тўпларга бой, мароқли ва мазмунли ўйинлардан завқланишга нима етсин. Мухлислар одобига риоя қилиб, севимли футбол жамоасини қўллаб турилса, Ўзбек футболи халқаро майдонга чиқиб, жонажон республикамиз шоншуҳрати жаҳон миқёсида ортиб бораверади.

Суҳбатдош
Ахбор ИМОМХУЖАЕВ.

ХАЛҚАРО МАЙДОННИ КЎЗЛАБ

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221

№ 43.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.